**Ушбу сонда:**

2 *«Ишонч» фош этади* **ДОЛЛАРФУРУШЛАР**

3 **TV — ДАСТУРИ**

4 *Футбол* **ОМАД ПАХТАКОРЧИЛАРДА ЭДИ**

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 29 ноябр, жума №188 (1405)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 ноябр куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) президенти Жан Лемьерни қабул қилди.***

- Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз, - деди давлатимиз раҳбари учрашувда. - Зеро, мазкур банк Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга молик йирик халқаро молиявий ташкилотлар сирасига киради. Шу боис ЕТТБ билан ҳамкорлигимиз келгусида ҳам кенгайиб бориши тарафдоримиз.

Дарҳақиқат, ЕТТБ ташкил этилганига атиги ўн йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, у жаҳондаги энг нуфузли халқаро банкларнинг бирига айланди. Ўтган давр мобайнида банк томонидан 27 мамлакатда умумий қиймати 20,2 миллиард евролик сармоя лойиҳалари молиялаштирилди.

Мамлакатимизда ЕТТБ ҳамкорлигида қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларига тенг жами 20 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Бу сармоянинг 723,8 миллион АҚШ долларига тенг қисми ЕТТБ улушидир. Айни пайтда яна 320 миллион долларлик 8 лойиҳа тайёрланмоқда. Бу рақамлар Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги ҳамкорлик нечоғли самарали кечаётганини кўрсатади. Зотан, ЕТТБ Ўзбекистонни минтақамиздаги энг ишончли ва истиқболли ҳамкори ҳисоблайди.

Дарвоқе, ЕТТБ Бошқарувчилари кенгашининг навбатдаги мажлиси 2003 йилнинг майида Тошкентда ўтказилади. Бу ҳам ЕТТБнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга катта аҳамият бераётганидан далолатдир.

Оқсаройдаги учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий қилиш, ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг Тошкентда ўтажак мажлисига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*Ф А Р М О Н И*

**Р.Ҳ.Ҳайдаровни Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Равшан Ҳайдарович Ҳайдаров Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 28 ноябр

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*Ф А Р М О Н И*

**А.Х.Исроиловни Сирдарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида**

Алишер Хўжамович Исроилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Сирдарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 28 ноябр

# СИРДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

***28 ноябр куни Гулистон шаҳрида халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.***

***Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

Давлатимиз раҳбари юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, айниқса, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш сиёсати мамлакатимиз, шу жумладан Сирдарё вилояти тараққиёти учун янги-янги имкониятлар очаётганини таъкидлади. Вилоят меҳнаткашлари мураккаб об-ҳаво шароитига қарамай, икки йилдан буён ғалла бўйича шартнома режасини бажариб келяпти. Жорий йилда чет эл сармояси иштирокида 9 қўшма корхона ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 30 тага етказилгани амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий натижасидан далолатдир.

Президентимиз вилоят ривожи йўлида ғов бўлаётган камчилик ва нуқсонларга алоҳида тўхталди. Улар, аввало, иқтисодиёт соҳасидаги муаммолардир. Бугунги кунда вилоятдаги зарар билан ишлаётган йирик саноат корхоналари томонидан кўрилган зарар миқдори шу йилнинг 9 ойи мобайнида 2 миллиард 300 миллион сўмни ташкил этди. Саноат корхоналари омборларида ўз харидорини тополмаган 2 миллиард 500 миллион сўмлик тайёр маҳсулот сотилмасдан ётибди. Юртбошимиз вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлар ҳам қониқарли эмаслигини афсус билан таъкидлади.

Сессияда раҳбар кадрларни тарбиялаш, улар билан ишлашнинг самарали тизимини яратиш, хусусан, сергайрат, билимли ва фидойи ёшларни масъул лавозимларга кўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ислом Каримов давлат ва жамият тараққиётида муносиб ҳисса қўшишдек буюк мақсадга эришиш йўлида ёшларимиз фақат билим, хорижий тиллар, илғор тажриба, замонавий техника ва технологияларни пухта эгаллаш билан кифояланиб қолмай, балки ана шу мураккаб ҳаётни, одамлар билан муомала-муносабат қилишни чуқур ўрганишлари ҳам зарур эканини уқтирди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Алишер Исроилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келаётган Равшан Ҳайдаров вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Сайхунобод тумани «Рўзиқул бобо» фермер хўжалиги бошлиғи Ж.Умурзоқов, Ширин шаҳри ҳокими Ж.Бўтабоев, вилоят ҳокими ўринбосари А.Кровнов, Шароф Рашидов тумани ҳокими А.Примқулов, вилоят реабилитация маркази бош врачи Т.Рюхина, Ҳовос тумани ҳокими Р.Турдиев ва бошқалар Президентимизнинг нутқида қўйилган вазифалар барчани янада ташаббускорлик ва масъулият билан ишлашга, мавжуд имкониятларни тўла сафарбар қилишга, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга ундашини таъкидладилар.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*Қ А Р О Р И*

# ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

***«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун жамоатчиликни кенг жалб этиш, ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир ишларни фаоллаштириш максадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:***

1. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмалари томонидан Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин, қуйидагилар унинг асосий вазифалари ҳисобланади:

аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш;

истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ички бозорда сотилаётган истеъмол товарларининг зарур сифатини ва хавфсизлигини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бошқа талабларини таъминлаш мониторингларини ўтказиш;

аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни олиб бориш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишда давлат бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, назорат қилувчи органлар билан биргаликда иш олиб бориш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш.

2. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг ташкилий тузилмаси ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ижро этувчи аппаратининг тузилмаси тўғрисидаги;

бир ой муддатда туман ва шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари конференцияларини ҳамда икки ой муддатда - ҳудудий ва республика конференцияларини ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари конференцияларини ўтказишга доир ташкилий масалаларни ҳал этишда зарур ёрдам кўрсатсинлар.

Белгилансинки, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ижро этувчи аппарати, туман, шаҳар жамиятлари, шунингдек уларнинг ҳудудий бирлашмалари ижро этувчи аппаратларининг таъминоти ҳар ойлик аъзолик бадаллари ҳисобига амалга оширилади.

3. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш ташкил этилсин.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ишлари самарадорлигини оширишга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳузурида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан солинадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Нархларни бошқариш жамғармасига ўтказиладиган жарималарнинг 50 фоизи, шунингдек халқаро ташкилотларнинг, Ўзбекистон Республикасининг ҳам резидентлари, ҳам норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари ҳисобланади.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳузурида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига хўжалик юритувчи субъектларга истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қуйидаги қўпол равишда бузилишлари учун олдиндан ёзма кўрсатма бермасдан жарима солишига рухсат берилсин:

истеъмолчига товар (ишлар, хизматлар) қиймати кўрсатилган, товарнинг харид қилинганлигини ёки ишларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи касса, товар чеклари ва бошқа ҳужжатларни бермасдан товарлар сотиш; ёки хизматлар кўрсатиш;

яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки яроқлилик муддати ўтиб кетган товарларни қабул қилиш ва сотиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги:

истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотларига товарлар (ишлар, хизматлар) сифатини сертификатлаш ва экспертизадан ўтказиш натижалари тўғрисида ахборот олишда зарур ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини кўрсинлар;

Ўзбекистон Республикасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, санитария соҳасидаги қонун ҳужжатлари, давлат стандартлари ва сертификатлаш қоидалари талабларига риоя этилишини текшириш ишларига истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотлари вакилларини жалб қилсинлар;

истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотлари тақдимномаларига кўра товарлар (ишлар, хизматлар)нинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини ўзларига қарашли лабораторияларда уларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда синовдан ўтказсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш билан биргаликда 2003/2004 ўқув йилидан бошлаб белгиланган тартибда республиканинг барча таълим муассасалари дастурларига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш бўйича махсус курсларни киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

адвокатлик идораларининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолиятининг асосий йўналишларини амалга ошириш учун халқаро молия ташкилотларининг грантларини жалб этишда кўмаклашсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларига уларнинг уставдаги вазифаларини ҳал этишда кўмаклашсинлар ҳамда Федерация марказий аппаратини, ҳудудий бирлашмаларни, туман ва шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларини бир ой муддатда:

ижара шартларида, ижара ҳақи ундирмасдан ва коммунал хизматларга имтиёзли тарифлар бўйича ҳақ тўлаган ҳолда хоналар билан;

ўз маблағлари ҳисобига мебель ва зарур техника воситалари билан таъминласинлар.

11. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари билан биргаликда:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг туман, вилоят ва республика конференциялари кенг ёритилишини таъминласинлар;

телевидение ва радиоканалларда, даврий матбуот нашрларида «Истеъмолчи» рукни ташкил этилишини таъминласинлар, унда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолиятини, бу соҳадаги муаммолар ва камчиликлар ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни, истеъмол маданиятини ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича анъаналарни кенг ва мунтазам ёритиб боришни назарда тутсинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси А.Баҳромов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 28 ноябр

# КОЛЛЕЖ ЗАРДЎЗЛАРИ

Навбаҳор туманидаги «Истиқлол» саноат касб-ҳунар коллежида ўндан ортиқ мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади. Яқинда ўқув даргоҳида зардўзлик-тикувчилик гуруҳи ҳам ташкил этилди. Уни тажрибали зардўз Зоира Қаршиева бошқараяпти. Германиядан келтирилган 30 та «Бернина» русумли замонавий тикув машинаси билан жиҳозланган устахонада 30 нафар ўқувчи зардўзлик сирларини ўргана бошлади.

Ўқувчилар аёлларнинг миллий либослари, тўн, қўйлак, ёстиқ жилдлари, турли кийимкечаклар тикмоқда. Айниқса, ёш келин-куёвлар учун тикилаётган зардўз буюм ва либослар харидоргир бўлаётир. Маҳсулотлар савдога чиқарилиб, ундан тушган фойда зардўз қизларни моддий рағбатлантириш ва коллеж иқтисодини мустаҳкамлашга сарфланмоқда.

**(ЎзА).**

***Зоиджон касабақўм хонасида жамоа шартномаси бандларини кўздан кечираётганди. Йил охирлаяпти, эрта-индин жамоат олдида ҳисобот маърузаси билан чиқади. Шу пайт эшик аста очилди. Хонага меҳнат низоси комиссиясининг аъзоси Миродилжон Абдуқодиров кириб келди.***

# ИШСИЗЛИК МУАММОСИ ЮЗАГА КЕЛГАНИДА

— Линтр цехи ишчиси Шуҳратжон Қодировни ғазнахонада учратиб қолдим. Биласиз, меҳнатдан қочмайдиган ёшлардан... Нима учундир тушкун кайфиятда эди. Тенгдошларига камхаржлиги, оила қуришида бироз муаммога дуч келаётганлиги ҳақида гапираётганлигини эшитиб қолдим...

Орага жимлик чўкди. Касабақўм раиси масала моддий ёрдамга бориб тақалаётганлигини пайқади:

— Сизни тушундим. Иложини топса бўлади. Завод билан касабақўм бир ёқадан бош чиқарса, имкон топилади. Менимча, иш берувчи ҳам касабақўмни қўлласа керак.

Маъмурият дарҳол ёрдам қўлини чўзди. Жамоа шартномасида эҳтиёжманд оилаларни мушкулини осон қилиш борасида иш берувчи қатор мажбуриятлар олганди.

Кенгашли тўй тарқамас, дейдилар. Касабақўм зиёфат дастурхони, корхона эса никоҳни расмийлаштириш ва бошқа сарф-харажатларни бўйнига оладиган бўлди. Шундай қилиб, Шуҳратжонга корхона жамоаси ҳам ота, ҳам она бўлди.

«Ўқчи» пахта тозалаш корхонаси Марҳамат туманидаги агросаноат мажмуига кирувчи йирик касаба уюшма ташкилотларидан биридир. Касабақўм таркибида 7 та бошланғич ташкилот фаолият юритаётган бўлиб, унга 500 га яқин касаба уюшма аъзоси бирлашган. Жамоа шартномаси ва келишув битимлари

***Касаба уюшма ташкилоти: у қандай бўлиши керак***

орқали ишчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга корхонада алоҳида эътибор берилмоқда. Муҳими, шартнома мажбуриятларининг ижроси касаба уюшмаси томонидан пухта назорат қилинмоқда. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, меҳнатни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ишчилар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, иш ҳақини вақтида тўланиши масалалари умумий йиғилиш ҳамда цех бошланғич ташкилотларида кўриб чиқилмоқда.

ЎзКУФК ҳаракат Дастурида ишсизликнинг олдини олишда касаба уюшмаларининг фаол иштирок этиши асосий вазифа қилиб қўйилган. Бу борада касабақўм иш берувчи билан самарали ҳамкорлик қилаётганлигини таъкидлаш жоиз. Корхонадаги айрим ишлаб чиқариш бўлинмаларини қайта ташкил этиш муносабати билан қисман ишсизлик муаммоси юзага келди. «Жамоанинг яхши-ёмон кунларида корхонанинг оғирини енгил қилган ишчилар яна қаерга бориши керак?» Ана шу жумбоққа касабақўм ҳамда иш берувчи жавоб топиши керак эди.

Корхонани елкасида опичлаб улғайтирган Набижон Умиров, касабақўм раиси Зоиджон Исмоилов, бош муҳандис Дилшоджон Мақсудовларнинг гапи бир ердан чиқди. Уруғлик чигитни қайта тайёрлаш, рўзғор пахтасини ишлаб чиқариш цехлари очиш фикри бир овоздан маъқулланди. Натижада қўшимча маблағ ишлаб топилиб, янги иш ўринлари яратилди.

Ишчиларни соғломлаштириш борасида бирмунча ишлар қилинди. Бу хайрли юмушларга жорий йилда 3 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. 150 нафар ишчи «Чортоқ», «Гулшан» санаторийларида мароқли дам олди. Корхона ҳузурида тиббий хизмат бўлинмаси ишлаб турибди. Хавф-хатарсиз меҳнат шароити яратиш мақсадида ишчилар сут-қатиқ, шунингдек, икки маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланган. 2 нафар ҳамшира, бир нафар олий тоифали шифокор жамоа хизматида.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

*Истиқлол берган имкон*

# ХОРИЖ САРМОЯСИ

## Самарқанд вилоятида 3 миллиард сўмдан зиёд халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш имконини берди

***Кичик ва ўрта бизнесни кредитлашда чет эл инвестициясини жалб қилиш муҳим аҳамиятига эга. Чунки бунда хориж технологиялари жалб қилиниб, жаҳон андозалари талаблари даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқариш имкони туғилади. Корхона импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлаш билан бирга унинг экспорт имконияти кенгаяди.***

Шундай экан, мамлакатимиз вилоятларида бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда, деган савол туғилади. Бошқача айтганда, республикамиз тижорат банкларида чет эл сармояларидан унумли фойдаланилаяптими? Биз ана шу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида «Пахта Банк»нинг Самарқанд вилоят бошқармасида бўлдик. Банкнинг кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш борасидаги бугунги кунда олиб бораётган юмушлари билан яқиндан танишдик.

— Вилоятимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб ишлар қилинди ва қилинмоқда, - дейди бошқарма бошлиғи Бадриддин Насриев. Бунда, айниқса, халқаро молиявий ташкилотларнинг кредит линияларини жалб қилишга эътибор кучайтирилган. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун бунга бир неча мисоллар келтирсак. Ҳозирги кунга келиб вилоятда 2 миллион 841 минг евро ва 2 миллион 980 минг АҚШ долларига тенг бўлган 3 та лойиҳаларни молиялаштириш якунланди. Натижада 72 та янги ишчи ўринлари яратилди. 3 миллиард сўмдан зиёд халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Айни чоғда 2 миллион 861 минг АҚШ долларига тенг бўлган яна 3 та лойиҳа бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, вилоятда хориж сармояси иштирокидаги корхоналар йилдан-йилга кўпаймоқда. Масалан, «Парвина-М» савдо ишлаб чиқариш фирмаси бошқарма ёрдамида Германиянинг «КФВ» банкидан 2 миллион 250 еврони қарзга олди. Корхона бу пулларга Италиянинг музқаймоқ ишлаб чиқарувчи ускунаси, АҚШдан музлатгич, Туркиядан хомашё сотиб олди. Айни кунларда Самарқанд туманининг Гулобод қўрғонида фаолият кўрсатаётган корхонада 20 хилдан зиёд музқаймоқ, пишлоқ, сариёғ, бринза, сметана, творог маҳсулотлари тайёрланмоқда. Унинг маҳсулот сотишдан тушган ўртача ойлик айланмаси 232,5 миллион сўмни ташкил қилаяпти.

Ёки Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Орифен» Ўзбекистон-Италия-Австралия қўшма корхонасини олиб кўрайлик. У ҳам бошқарма орқали Европа тикланиш ва тараққиёт банки кредит маблағидан 3 миллион АҚШ долларига эга бўлди. Натижада корхонага Италиядан томат пастаси, концентрациялаштирилган мева шарбати ва пюре, жемлари ишлаб чиқарувчи ускуналар сотиб олинди. Айни чоғда бу ерда 5 турдаги консерва маҳсулотлари тайёрланмоқда. Унинг 80 фоизи Россия, Украина, Бельгия, Чехия каби чет мамлакатларга экспорт қилиниши режалаштирилган. Ҳозирги кунгача 62 миллион 500 минг сўмлик маҳсулот хоржига сотилди. Энг муҳими, ишга туширилган қўшма корхонада 45 та янги ишчи ўринлари яратилди.

— «Пахта Банк»ка раҳмат, - дейди Оқдарё туманидаги «Ориен-парранда» фермер хўжалиги раҳбари Суръат Шомаҳмудов. — Бошқарма ёрдамида Германиянинг «КФВ» банкидаги 591 минг евро кредитини олишга муваффақ бўлдим. Бунга Италия фирмаларидан ун тегирмони, макарон ва нон маҳсулотларини жаҳон андозалари талаблари даражасида тайёрловчи ускуналарни харид қилдим. Натижа ёмон бўлмади. Ҳозирги кунга келиб маҳсулот сотишдан тушган ўртача ойлик пул айланмаси 100 миллион сўмга яқинлашди. Қўшимча 24 та янги иш ўринлари яратилди. Ишлаб чиқаришдан тушган соф фойда эса 202 миллион 543 минг сўмни ташкил этмоқда.

Бошқарма ходимлари кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлашда нафақат чет эл сармоялари, балки ўз маблағлари ва бюджетдан ташқари фондлардан ҳам самарали фойдаланишмоқда. Уларга шу йилнинг ўтган ўн ойи давомида бир миллиард сўмликдан ортиқ қарз берилди. Шунинг 896 миллион 200 минг сўми бошқарманинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилди. Қолган қисми «Бизнес фонд» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ва бандлик жамғармалари заҳираларидан олинди. Бунинг натижаси ўлароқ вилоятда 891 та янги иш ўринлари яратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида бошқарма ва унинг туман бўлимлари томонидан ўз фойдасининг 25 фоизи ҳисобига кичик ва ўрта бизнес субъектларини имтиёзли кредитлаш жамғармаси доимий равишда шакллантирилиб борилмоқда. Ана шу жамғарма ҳисобидан шу йилнинг ўзида тадбиркорларга 203 миллион сўмдан зиёд кредит ажратилди.

Бундан ташқари бошқарма ва унинг туман бўлимларида ишбилармонлар ишларини енгиллаштириш ва уларни ахборотлар билан таъминлаш мақсадида тадбиркорлар бурчаклари ишлаб турибди. Уларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, кредит бериш бўйича йўриқномалар, уларни расмийлаштириш тартиблари акс эттирилган. Тадбиркорликнинг оғзаки мурожаатлари, ёзма аризалари махсус китобларда қайд этилади.

Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш вилоятда нақд пул эмиссиясини қисқартириш билан бир қаторда бошқарманинг кредит бериш имкониятини кенгайтирмоқда. Бу борада банкда кўплаб ишлар қилинди. Аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича жойларда тушунтириш ишлари олиб борилди. Рекламалар берилди. Энг муҳими, бугунги кунда фуқароларнинг банкка ишончи мустаҳкамланиб бормоқда.

Оқибатда ўтган ўн ой ичида омонатларга 13 миллиард 169 миллион сўмга яқин маблағ жалб этилди. Айни кунларда аҳоли бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш юзасидан ишлар янада фаоллаштирилмоқда. Аҳолининг кенг қатламларига мўлжалланган янги, манфаатли омонат турлари жорий этилмоқда. «Талаб қилиб олингунча», «Она замин саховати», «Нафақа», «Навниҳол», «Фаровонлик», «Ҳосил», «Муқаддас замин», «Қариялар қадр қиммати», «Шарқ юлдузи» каби омонат турлари шулар жумласидандир.

Бу йил Самарқанд вилоятининг пахта режасини бажаришида ҳам банк ходимларининг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Чунки, терим мавсумида қатнашчиларнинг моддий манфаатдорлиги ана шу бошқарма орқали йўлга қўйилди. Улар муносиб рағбатлантирилди. Хусусан, мавсумда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 августдаги «2002 йил пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан қатор тадбирлар ўтказилди. Жойларда иш ҳақини ўз вақтида тўлашни ташкил қилиш учун ишчи гуруҳи тузилди. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳар беш кунда банкка ҳисоб-китоб рўйхати топшириши таъминланди. Натижада шу йилнинг 11 ноябригача теримчиларга етти миллиард сўмдан зиёд пул маблағлари тарқатилди. Бошқа хизматлар учун 438 миллион 400 минг сўм пул жойларга етказиб берилди.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Меҳнат ва рағбат*

# КАЙФИЯТГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

«Косон ёғ-экстракция» ҳиссадорлик жамияти Қашқадарё вилоятидаги йирик саноат корхоналаридан бири. Айни пайтда бу ерда 1148 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, ишлаб чиқаришда яхшигина самарадорликка эришмоқда.

Хусусан, корхона жамоаси «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси корхоналари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллиги байрамига бағишланган меҳнат муҳофазаси ва экология йўналишида 2002 йил ўтказилган кўрик-танлов натижаларига кўра иккинчи ўринни эгаллаб, 200 минг сўм пул мукофоти ҳамда 50 минг сўмлик қимматбаҳо совға билан тақдирланганди.

Корхонамизда хомашёни тежаш борасида кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Кўрик даврида чанг ажралиб чиқадиган ускуналар, айланма харакатлардаги механизмларнинг ҳимоя тўсиқлари қайта жихозланди. Ҳар бир цехда тадбирлар тузилиб, уларнинг бажарилиши доимо назорат қилинди. Бунда цех атроф ҳудудларини ободонлаштиришга алоҳида аҳамият берилди. Корхона ташқарисига чиқариладиган оқова сувлар ва чиқиндиларнинг тасдиқланган меъёрий даражасига етказиш борасидаги ишлар ўз самарасини берди.

Корхонада ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳам бир мунча ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 47 минг сўмни ташкил этиб, уларнинг овқатланишилари учун қўшимча маблағ ҳам ажратилди.

Йил бошидан ходимларга кўрсатилган моддий ёрдам 13 миллион 546 минг сўмни ташкил этади. 150 нафар ишчи фарзандлари Яккабоғдаги Майна Ҳасанова номли оромгоҳда соғлиқларини тикладилар. 20 нафар киши республиканинг турли санаторийларида дам олдилар.

**С.ЭГАМНАЗАРОВ,**
**«Косон ёғ-экстракция» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси.**

*Фахр*

## АВТООЙНАЛАР ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНАДИ

Фарғона шаҳридаги «Автоойна» очиқ ҳиссадорлик жамияти цехларида янги маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди. Италиянинг «Национал Де Ловоро» банки ажратган 19,3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги узоқ муддатли кредит ҳисобига корхонага Швейцария, Финляндия, Италия сингари автомобил саноати ривожланган мамлакатлардан замонавий технология олиб келиб ўрнатилди.

Ҳиссадорлик жамияти «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун юқори сифатли ойна тайёрлаб беради. Шу пайтгача бундай ойналар Асакадаги заводга Ҳиндистондаги «Асахи глаз» ва Жанубий Кореянинг «Ханг глаз» корхоналаридан катта харажатлар ҳисобига келтирилар эди. Бу эса таннархнинг ошишига, таъминотдаги узилишларга сабаб бўлаётган эди.

- Корхона йилига 200 минг комплект автомобил ойналари ишлаб чиқариш қувватига эга, - дейди «Автоойна» очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Тўлқинжон Қурбонов. - Бу миқдор завод эҳтиёжларини тўлиқ қоплашдан ташқари, 364 нафар маҳаллий ёшларни юқори ҳақ тўланадиган малакали иш билан таъминлаш имконини беради. Томонлар келишувига кўра 23 нафар йигит Италия, Финляндия, Швейцариядаги турдош корхоналарда янги касб сир-асрорларини ўрганиб қайтади.

## НУРОБОДДА ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Нуробод туманида «Собирсой-Пласт» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси иш бошлади.

Германиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур қўшма корхонада пластик материаллардан эшик, дераза ромлари, электр асбоблари учун қутилар, турли уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда қишлоқ ёшларидан бир гуруҳи доимий иш билан таъминланди.

**(ЎзА).**

*Оролбўйидан мактублар*

Дарахт эккан муродига етади, дейдилар. Боғлар юртимиз кўрки, дастурхонимиз тўкинлиги. Беруний туманидаги, Ўрозбой Жуманиёзов номли деҳқон—фермерлар уюшмасида 29 гектар мевазор боғ соҳибкорларга бўлиб берилган.

Кўп тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган қадимий Кат замонидан олис Саркоп овулида Худойберган бобо Ҳожибоев деган машҳур боғбон ҳозир умргузаронлик қилмоқда. Ёши етмишни қоралаган қариянинг юзларидан нур томади. Ҳали кексаликни тан олгиси йўқ, қалби ар-

## ХУДОЙБЕРГАН БОБО БОҒЛАРИ

монларга тўла боғбоннинг эккан дарахтлари бугунги кунда мевага кирган. Овулдаги 5 гектарлик эски боғни 3 миллион сўмга сотиб олиб қайтадан яшартирди. Тўрт йил ичида мўл кўл ҳосил етиштириб, кетган харажатларни қоплади. Саккиз нафар ўғилларидан еттитасини уйлантирди. Турмуш ўртоғи Қурбон момо Абдуллаева, фарзандлари Комил, Ҳамид, Рустамжон, Мирзахон, Отахон, Музаффар, Ғуломжон ва йигирмадан ортиқ невара-чеваралари унга кўмакдош. Худойберган бобонинг сермаҳсул боғида Хозарасп олмалари, тиллоранг қишки узумлари, минг дардга даво қантак ўриклари, таъми тилда қоладиган анжиру анорларини учратасиз.

–Меҳнат қилган хор бўлмайди,–дейди Рустам «фермер хўжалиги раҳбари Худойберган оға–Отам Ҳожибой бобо ҳам боғбон ўтганлар. Сулоланинг эзгу амалларини давом эттираётган ўғил ва невараларимдан ҳурсандман.

Тажрибали боғбон йилни 2 миллион сўм соф фойда билан якунланаяпти. Ҳозир токларни кесиб дарахтларга шакл бериш юмушлари амалга оширилмоқда.

**Н. ТИЛЛАЕВ.**

*2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили*

# ОТАЛАР ТАШАББУСИ

Бир гал ўқитувчи ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялаш мавзуида гап кетганда вилоят халқ таълими ходимлари касаба уюшма тармоқ қўмитаси раиси Тоҳирахон Маризаева Уйчи туманидаги Жийдакапа қишлоғининг мактабларида фахрийлар ташаббуси билан ўқувчилар учун стипендиялар ташкил этилаётганлигини айтиб қолди.

— Бу ташаббуснинг туғилганига беш-олти йил бўлди, - дейди 14-мактаб директори Турғунбой Йўлдошев. - Бизда Холмирза Саидбоев деган домла ишлаган. У киши қўшни 2-мактаб ва бошқа илм масканларида ҳам узоқ йиллар тарих фанидан сабоқ берган. Бу ташаббус мана шу устоз-муаллим томонидан бошланган...

Ўзбекистонимиз жаҳоннинг тараққий этган давлатлари қаторидан ўрин олиши учун ҳали кўп иш қилишимиз даркор, - дея суҳбатни давом эттиради Х.Саидбоев. — Масалан, бизда ҳали кам таъминланган оилалар бор. — Давлат, маҳаллий ҳокимиятлар улар турмушини яхшилаш учун кўп иш қилаяпти. Ана шундай оилаларда вояга етаётган истеъдодли болаларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш чорасини кўришимиз керак.

1996 йил бошларида домланинг ташаббуси билан энг яхши ўқийдиган, лекин кўп болали оилада вояга етаётган ўн нафар ўқувчига стипендия беришга қарор қилинди. — Бугунга келиб стипендиялар миқдори ошган ва энг муҳими, ташаббус бошқа мактабларга ҳам ёйилган.

Ҳозирда қишлоқда туғилиб ўсган ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатиб нафақага чиққан кексаларнинг фарзандлари ташаббуси билан 2,12,19,24-мактабларда ҳам аълочи, лекин кам таъминланган оилаларда вояга етаётган ўқувчилар учун махсус стипендиялар таъсис этилмоқда. Айни вақтда биз ташриф буюрган 14-мактабда ушбу имкониятдан 37 ўқувчи баҳраманд бўлаётир.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ҚАНИЙДИ ҲАММА ШУНДАЙ ИШЛАСА

«Сирдарёгўшт» масъулияти чекланган жамияти истеъмолчиларга ўзининг янги маҳсулотларини таклиф эта бошлади. Жамиятда янги ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш, қўшимча ишчи ўринларини барпо этиш, жамоани ижтимоий муҳофаза қилиш қўламининг кенгайтирилиши муваффақиятлар омили бўлмоқда. Ҳозирги вақтда 30 нафар кишини бирлаштирган жамоа ишлаб чиқариш топшириқларини доим ортиғи билан адо этмоқда. Ишлаб чиқариш қуввати оширилганлиги боис, янги маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Илгари бир-икки хил маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, ҳозир уларнинг сони бештага етди.

Корхонада амалга оширилган техникавий тадбирлар туфайли ҳозир бир кеча-кундузда 10-12 тонна гўшт қайта ишланиб, колбаса, сосиска, чучвара ва бошқа шу каби маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилаётир.

Айни пайтда эса жамоа маҳсулот турларини бунданда кўпайтириш учун изланишларини давом эттирмоқда.

*«Ишонч» фош этади*

# ДОЛЛАРФУРУШЛАР

***Наманган вилоятида омилкор, фидойи, элим деб, юртим деб ёниб жўшаётган ажойиб фазилатли инсонлар яшашади. Тадбиркорликка кўл уриб янги корхоналар очаётган, хориж сармоясини жалб этиб, муборак юрт довруғини дунёга таратаётган кишилар ҳақида қанча гапирсак шунча оз.***

Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, шундай кимсалар борки, улар виждонни жиғилдонга айлантириб, ноқонуний йўллар билан мўмай пул топишга берилиб кетишган. Наманган шаҳар, Адашев кўчаси 121-уйда яшовчи Жобир Хўжаев ана шундай кимсалардан бўлиб чиқди. Тоғни урса талқон қиладиган, туппа-тузук ишлаб юрган йигит нопок кимсалар таъсирига берилиб, тўғри йўлдан адашди. Вақт ўтиши билан у долларфурушлар билан ҳамтовоқ бўлди. Бир икки ови юришиб, топилган пуллардан маст бўлиб юрди. Бироқ, саёқ юрган албатта таёқ ейди. Кунларнинг бирида Жобир «Чорсу» ҳиёбонида 1760 АҚШ долларини ўзи билганича пуллаётганида вилоят ички ишлар ходимлари томонидан ушланди.

Абдурашид Жўраев ҳаётда кўп бор янглишган инсон. У яқинларининг, нуронийларнинг панд насиҳатига юрмади. Яқиндагина жазо муддатини ўтаб қайтган бўлса-да, яна жиноят кўчасига кирди. Уч минг АҚШ долларини пуллаётганида тўрга илинди. Ана энди минг бора пушаймон қилмоқда. Сўнгги пушаймон эса ўзингга душман, деб бежиз айтишмайди.

Наманган шаҳар Зарафшон кўчаси, 1-уйда яшовчи Каримжон Иқромов илгари судланган Ҳасан Деҳқоновнинг алланган товарлар савдоси билан шуғулланаётганлар ҳам учраб туради. Текширувларнинг бирида Иқромов кўчаси 2-уйда яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган Сайфиддин Азимов тап тортмай қўлбола ароқ ишлаб чиқариш билан шуғулланганлиги ошкор этилди. Пулга тузоқ қўйган бу учар спиртли ичимликларни тайёрлаб, энди пуллайман деб турган пайтда қўлга тушди.

Бир нарса кишини ўйлантиради: қўлбола маҳсулотлар тайёрлаётган, сифати талабга мутлақо жавоб бермайдиган бундай заҳри ана шу савол берилганида, у нима дейишини билмай қолди.

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Кимлардир шоҳидамас, баргида юришга ҳаракат қилишади. Яширин бозор корчалонлари орасида тилла қуми «савдо»си билан шуғулланаётганлар ҳам кўзга ташланиб қолди. Қирғизистон Республикаси фуқароси Комилжон Ҳамдамов 180 грамм тилла қумини ғайриқонуний йўллар билан олиб ўтиб, Давлатобод туманида пуллаётганида тўхтатилди. Мана бунга нима дейсиз, шаҳримиздаги коллеж ўқитувчиси М.Ҳакимов хорижда ишлаб чиқарилган 15 дона тилла тангани ҳамтовоқларига ўтказаётганида ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан ушланди.

Вазирлар Маҳкамасининг валюта бозорини янада эркинлаштиришга доир чора тадбирлар тўғрисидаги қарорини ҳаётга изчил татбиқ этиш юзасидан вилоятда аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Тегишли идоралар томонидан ноқонуний ҳатти-ҳаракатларга, хусусан валюта операциясига қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Юқорида қайд этилган кўнгилсиз ҳолатларга барҳам беришда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг омма билан алоқаси мустаҳкамланганлиги муҳим аҳамият касб этаяпти.

**С.ИСОҚОВ,**
**Наманган вилояти ИИБ уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги,**
**С.АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

## «ОЙДИН ЙЎЛ» БОЗОРИДА ЯРМАРКА

Нукусда иш бошлаган «Ойдин йўл» ёпиқ бозорида улгуржи ва чакана савдо ярмаркаси ташкил этилди. Унда асосан Қорақалпоғистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар савдога қўйилган.

- Ярмаркада республикамизда ишлаб чиқарилган 70 дан ортиқ турдаги маҳсулот намойиш қилинмоқда,- дейди «Ойдин йўл» бозор мажмуи маъмури Қувонч Ўтемуратов. - Нукус шаҳрининг 70 йиллик юбилейи муносабати билан қуриб фойдаланишга топширилган бозор мажмуи 600 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда сотувчилар ва харидорлар учун барча қулайликлар яратилган.

**(ЎзА).**

# TV дастури

**2-8 декабр**

**ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ**

## ДУШАНБА, 2

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тухфаси».
5.50 «Биби Убайда». Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.25 «Мусиқамиз хазинасидан».
9.45 «Тўртинчи ҳокимият».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Акаиро». Мультфильм.
10.25 Кураш бўйича «Маҳалламиз паҳлавонлари». Республика турнири.
10.55 «Тавоис» ансамблининг концерти.
11.20 «Виждон». Телесериал. 5-қисм.
Болалар сайёраси:
12.05 1. «Санъат ғунчалари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
13.25 «Ошин». Телесериал.
13.55 ТВ анонс.
14.10 «Талабалик йилларим».
14.30 Кундузги сеанс: «Мафусаил». Бадиий фильм.
16.20 ТВ клип.
16.30 «Исловот одимлари».
16.40 «Рамазон тухфаси».
17.00 «Қалб гавҳари».
17.20 «КиноТеатр».
17.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
18.10 «Мулк».
18.25 «Одил судлов - инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.15 «Олтин мерос».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
21.30 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».
21.50 «Рамазон тухфаси».
22.10 «Спорт, спорт, спорт».
22.25 «Мовий уммон қаърида». Телесериал.
23.15 «Ахборот-дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

Профилактика муносабати билан, душанба 2 декабр куни «Ёшлар» телеканали кўрсатувлари соат 15.30 бошланади.
15.30 Кўрсатувлар дастури.
15.35 «Давр» ҳафта ичида.
16.05 Кўҳна оҳанглар.
16.15 Спорт ҳафтаномаси.
16.30 «Полиция комиссари». Телесериал.
17.20 «Янги авлод» почтаси.
17.40 Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал премьераси. 11-қисм.
17.50 Дунё ажойиботлари.
18.10 Қуёшли юрт одамлари.
18.25 Тафаккур ёлқинлари.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Ёшлар овози.
20.10 Дийдор.
20.30 Муҳаббат қўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Қишлокдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:
23.55 Давр.
1.00 -1.05 «Хайрли тун!»

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 25-қисм.
17.45, 19.10, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.10, «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Жозиба».
19.40 «Ҳуқуқимиз кафолати».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Хусусийлаштириш қадам-бақадам».
22.10 Пойтахт шарҳи.
22.35 Кинонигоҳ «Виллада».
00.20-00.25 Хайрли тун, шаҳрим!

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 17.15-17.45
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Вести».
18.05 «Евроньюс» янгиликлари.
18.20 «Ҳазил кетидан ҳазил».
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» телеўйин.
21.00 «Время».
21.35 «Бизнес-ревю».
21.40 «Экипаж».
22.10 «А. Малинин иштирокидаги концерт дастури».
23.10 «ТВ-4да Немис тўлқини».
23.30 «Юлдузлар фабрикаси».
00.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## СЕШАНБА, 3

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Халқаро ногиронлар куни
5.30 «Рамазон тухфаси».
5.50 «Учқора». Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.40 «Ахборот».
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Соз сеҳри».
9.20 «Соғлом она - соғлом бола».
9.40 «Рангин дунё».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.20 Кураш бўйича «Маҳалламиз паҳлавонлари». Республика турнири.
10.50 «Виждон». Телесериал. 6-қисм.
11.30 «Париси бор уй».
11.50 ТВ клип.
12.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
12.25 «Меҳр қолур».
12.45 «Спорт, спорт, спорт».
13.00 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
14.10 «Сиёсат оламида».
14.30 «Живз ва Вустер». Телесериал.
15.20 «Қўшиқ билан кўраман оламни».
15.40 «Ватанимга хизмат қиламан».
16.40 «Рамазон тухфаси».
«Болалар сайёраси»:
17.00 «Сеҳрланган бола». Мультфильм.
17.40 Мусиқий танаффус.
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Инсон ва қонун».
18.50 «Мумтоз наволар».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ ва биз».
21.25 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
21.55 «Рамазон тухфаси».
22.15 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
22.35 «Олам футболи».
23.00 «Мувозанат».
23.20 «Ахборот-дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 11-қисм.
9.45 Мусиқий лаҳзалар.
9.55 ТВ-анонс.
10.00 «Эсмеральда». Телесериал.
10.30 Бизнес-академия.
10.45 «2000 йилдан сўнг». Сериал.
11.05 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
11.20 Жаҳон жуғрофияси.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 Кўҳна оҳанглар.
12.45 Қуёшли юрт одамлари.
13.05 Интерфутбол.
14.45 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.35 ТВ-саёҳат.
15.55 «Полиция комиссари». Телесериал.
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
17.10 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 12-қисм.
17.20 ТВ-анонс.
17.25 Бугуннинг ёшлари.
17.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.
18.00 Ёшлар овози.
18.20 Автопатруль.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.55 Давр-интервью.
20.10 Марди майдон.
20.30 Ёшлик наволари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Мунозара.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Нокаут».
23.35 Давр.
23.50 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
00.15 - 00.20 «Хайрли тун!»

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 26-қисм.
17.45, 19.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани».
18.15 «Спорт ва болалар».
18.30, 20.30, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Химоя».
19.30 «Мумтоз наволар».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Туризм ҳақида».
22.45 Кинонигоҳ. «Сибирлик сартарош». 1-қисм.
23.55-00.00 Хайрли тун, шаҳрим!

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 17.15-17.45
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Вести».
18.05 «Евроньюс» янгиликлари.
18.20 Машҳурлар. Клара Румянова.
19.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.55 «Сўнгги қаҳрамон-2».
21.00 «Время».
21.40 «Бизнес-ревю».
21.45 Кинематограф. «Коломбо». Бадиий фильм.
22.55 «Кулгу хонаси».
23.30 «Юлдузлар фабрикаси».
00.00 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ЧОРШАНБА, 4

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тухфаси».
5.50 «Паҳлавон Маҳмуд». Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Ахборот».
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қўшлар».
9.15 «Нафосат гулшани».
9.40 «Тафсилот».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Виждон». Телесериал. 7-қисм.
11.15 «Инсон ва қонун».
11.35 «Симфоник мусиқа дунёси».
11.55, 17.00 ТВ анонс.
12.05 Болалар учун. «Фламинго».
12.25 «Баркамол авлод орзуси».
12.45 «Солиқ ва биз».
13.05 Эстрада тароналари.
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.30 «Живз ва Вустер». Телесериал.
15.20 «Ягона оилада».
«Болалар сайёраси»:
15.50 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Мактублар - кабутарлар».
16.40 «Рамазон тухфаси».
17.05 «Ёшлик шиддати». Спорт дастури.
17.25 «Елғончилар қасри». Мультфильм.
17.40 «Ҳунарманд».
18.10 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.30 «Умид». Телелотерея.
19.00 «Бир жуфт қўшиқ».
19.10 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Парламент вақти».
21.25 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
21.55 «Рамазон тухфаси».
22.15 «Довруғи достон санъатим».
Спорт дастури:
22.55 1. Синхрон сузиш бўйича «Сув париси» халқаро турнири. 2. «Спорт, спорт, спорт».
23.30 «Ахборот-дайжест».
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
9.35 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 12-қисм.
9.45 Давр-интервью.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.10 ТВ-анонс.
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.
10.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.
11.00 «2000 йилдан сўнг». Сериал.
11.20 Олов билан юзма-юз.



11.35 Ёшлар овози.
11.55 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1. «Нокаут» 2. «Теннис».
13.00 Бугуннинг ёшлари.
13.20 Автопатруль.
13.40 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
14.30 Кўҳна оҳанглар.
14.45 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
15.35 Мунозара.
15.55 «Полиция комиссари». Телесериал.
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
17.10 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 13-қисм.
17.20 Болажон.
17.35 ТВ-анонс.
17.40 Далил ва шарҳ.
17.55 Чемпион сирлари.
18.15 Ракурс.
18.35 Каталог.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Кўҳна оҳанглар.
19.45 Очил дастурхон.
20.00 Спортлото.
20.10 Озод юрт фарзандлари.
20.25 «Ер ишқи». Мусиқий дастур.
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.50 «Эсмеральда». Телесериал.
21.25 Ватан ҳақида қўшиқ.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан «Буюк келажак пойдевори». Видеофильм премьераси. 1-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:
23.55 Давр.
1.00-1.05 «Хайрли тун!»

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 27-қисм.
17.45, 19.20, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Хотира». Ўзбекистон ҳалқ артисти Ғ.Тошматов.
19.40 «Аёл қалби».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Умр йўлдоши».
22.45 Кинонигоҳ. «Сибирлик сартарош». 2-қисм.
00.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим!

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 17.15-17.45
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Вести».
18.05 «Евроньюс» янгиликлари.
18.20 Е. Петросяннинг «Кулгу хонаси».
19.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
20.00 «Рус рулеткаси». Телеўйин.
21.00 «Время».
21.40 «Бизнес-ревю».
21.45 «Жаҳон бўйлаб».
22.30 «Жонли табиат».
22.45 «Форс мажор».
23.30 «Юлдузлар фабрикаси».
00.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ПАЙШАНБА, 5

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тухфаси».
5.50 «Қуёшли ўлкам». Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Ахборот».
8.40 Газеталар шарҳи.
**«Болалар сайёраси»:**
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Мактублар - кабутарлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.20 «Виждон». Телесериал. 8-қисм.
11.10 «Ўзбекистон бастакорлари».
11.30 «Парламент вақти».
11.50, 13.55 ТВ клип.
**Спорт дастури:**
12.05 1. Синхрон сузиш бўйича «Сув париси» халқаро турнири. 2. «Спорт, спорт, спорт».
12.40 «Довруғи достон санъатим».
13.20, ТВ анонс.
13.25 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Ажаб саодат эрур».
14.30 «Живз ва Вустер». Телесериал.
15.20 «Депутат».
**«Болалар сайёраси»:**
15.40 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Болалар ва катталар».
16.40 «Рамазон тухфаси».
17.00 «Озод юрт одамлари».
17.20 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Тулпорим». Премьера.
17.30 «Орзулар қанотида».
17.50 Мусиқий танаффус.
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.00 «Ҳаёт қомуси». Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги олдидан.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Рамазон ҳайитингиз муборак!»
21.35 Телемулоқот: «Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг долзарб масалалари».
22.15 «Қўшиғимиз сизга армуғон».
22.40 «Руҳият манзаралари».
23.00 «Соғлом авлод учун» жамғармаси соврини учун бадиий гимнастика бўйича Республика турнири.
23.20 «Ахборот-дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
9.35 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 13-қисм.
9.45 Болажон.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.10 ТВ-анонс.
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.
10.45 Спорт-қитъаси (рус тилида)
11.10 Чемпион сирлари (рус тилида)
11.30 «2000 йилдан сўнг». Сериал.
11.50 Ракурс.
12.10 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан «Буюк келажак пойдевори». Видеофильм. 1-қисм.
12.30 Болалар экрани: «Мультфильм».
13.00 Далил ва шарҳ.
13.15 Интерфутбол.
14.55 Кўҳна оҳанглар.
15.05 Мунозара.
15.25 Ўйна, болажон, ўйна.
15.40 «Полиция комиссари». Телесериал.
16.30 Табаррук маскани.
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», «Келинг, танишайлик».
17.30 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 14-қисм.
17.40 ТВ-анонс.
17.45 Огоҳ.
18.00 Ёшлар овози.
18.20 Табобат оламида.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Давр-интервью.
20.05 Мезон.
20.25 Ёшлик наволари.
20.45, 21,25, 22.35 Эълонлар
20.50 «Лафз». Телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан «Буюк келажак пойдевори». Видеофильм премьераси 2-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Интерфутбол». Танаффус пайтида:
23.55 Давр.
1.00-1.05 «Хайрли тун!»

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 28-қисм.
17.45, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Навниҳол».
19.25 «Камолот фасли».
19.45 «Эҳтиром ила».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Мушоҳада».
22.45 Кинонигоҳ. «Ўтган кунлар».
00.25-00.30 Хайрли тун, шаҳрим!

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 17.15-17.45
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Вести».
18.05 «Евроньюс» янгиликлари.
18.20 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув.
19.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
20.00 «Заиф бўғин». Телеўйин.
21.00 «Время».
21.40 «Бизнес-ревю».
21.45 «Виртуал олам».
21.55 «Экспромт».
22.15 «Соккер клуб».
22.30 «Ишбилармон кишилар».
22.45 «Инсон ва қонун».
23.30 «Юлдузлар фабрикаси».
00.00 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ЖУМА, 6

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.40 «Ахборот».
8.40 Газеталар шарҳи.
**«Болалар сайёраси»:**
9.00 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Болалар ва катталар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Виждон». Телесериал. 9-қисм.
10.55 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
11.15 Мусиқий танаффус.
11.35 «Фанимиз истиқболлари».
11.55 ТВ анонс.
12.05 «Сеҳрли чирок». Мультфильм.
13.30 «Назм ва наво».
14.10 Телемулоқот: «Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг долзарб масалалари».
**«Болалар сайёраси»:**
14.50 1. «Қўшиғим, жон қўшиғим». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
16.00 «Моҳият».
16.20 «Чимилдиқ». Бадиий фильм.
17.40 «Интилганга толе ёр».
18.10 «Балиқ тилга кирганда». Мультфильм.
18.20 «Ривож».
18.30 «Санъатга бахшида умр». Д.Хусанов
18.50 «Тафсилот».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Бир жуфт қўшиқ»
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
22.35 «Олтин бешик».
23.00 Кураш бўйича талабалар республика турнири.
23.30 «Ахборот-дайжест».
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», «Келинг, танишайлик».
9.50 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 14-қисм.
10.00 Давр-интервью.
10.15 Мезон.
10.35 Мусиқий лаҳзалар.
10.45 ТВ-анонс.
10.50 «Лафз». Телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
11.25 Аждодлар ёди.
12.40 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан «Буюк келажак пойдевори». Видеофильм. 2-қисм.
13.00 Ёшлар овози. Конституция ва ёшлар.
13.20 Болалар экрани: «Мультфильм».
13.50 Танишинг «Севинч» гуруҳи.
14.20 Интерфутбол.
16.00 Кўҳна оҳанглар.
16.10 «Тўйлар муборак». Бадиий фильм.
17.10 Дийдор.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»
17.55 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 15-қисм.
18.05 Бахтли болалик қўшиқлари.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 «Давр» нигоҳи.
20.10 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан «Буюк келажак пойдевори». Видеофильм премьераси. 3-қисм.
20.30 Севги тароналари.
20.45, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.50 «Лафз». Телевизион бадиий фильм. 2-қисм.
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
00.05 Давр.
00.20 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Ринг қироллари».
00.50-00.55 «Хайрли тун!»

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 29-қисм.
17.45, 19.05, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.10, 22.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50. «Эл хизматида».
19.25 «ТТВ да мусиқа».
19.40 «Ҳамшаҳарлар».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Долзарб мавзу».
22.30 Кинонигоҳ «Зулматни тарк этиб».
23.50-23.55 Хайрли тун, шаҳрим!

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 17.15-17.45
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Вести».
18.05 «Евроньюс» янгиликлари.
18.20 Ҳужжатли детектив.
19.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.50 «Мўъжизалар майдони».
21.00 «Время».
21.35 «Юлдузлар фабрикаси».
22.55 «Бизнес-ревю».
23.00 «Дурдаршан».
23.25 Кинонинг олтин асри «Оқ фотиҳа». Бадиий фильм.
00.45 «Ахборот» (рус тилида)
1.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ШАНБА, 7

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Ахборот».
8.40 Газеталар шарҳи.
**«Болалар сайёраси»:**
9.00 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
9.40 «Ҳидоят сари».
10.00 «Мусиқа бўстони».
10.20 «Олтин бешик».
10.45 ТВ-1 кинотеатри: «Яратганга шукур». Бадиий фильм.
12.25 «Кўҳна замин оҳанглари».
12.45 Дзюдо бўйича халқаро турнир.
**«Адабий жараён»:**
13.15 1. «Ёзувчи ва замон». 2. «Шеър ва шуур».
13.45 «Маърифат». Телеальманах.
14.05 ТВ клип.
14.10 М. Юсуф. «Чеча». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
15.45 «Ягона оилада».
16.15 «Рангин дунё».
16.35 Кураш бўйича талабалар республика турнири.
17.05 Болалар учун. «Фламинго».
17.25 «Бахтимизга омон бўлинг».
**«Болалар сайёраси»:**
17.45 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.
18.40 «Қишлоқ ҳаёти».
18.55 «Ўзбеккино» тақдим этади: «Водиллик полвон». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қизлар давраси».
22.30 Телевизион миниатюралар театри.
23.00 «Ахборот-дайжест».
**«Тунги ёғду»:**
23.20 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ўғирланмаган келин». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.55-1.00 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»
9.20 Болалар клуби.
9.45 Табобат оламида.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Давр» нигоҳи.
10.35 «Лафз». Телевизион бадиий фильм. 2-қисм.
11.10 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
11.35 Ринг қироллари.
12.35 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан «Буюк келажак пойдевори». Видеофильм. 3-қисм.
12.55 Кўҳна оҳанглар.
13.05 Кутилмаган меҳмон.
13.25 «Қалбим чечаги». Телесериал. 15, 16 қисмлар.
15.05 Умид юлдузлари.
16.20 «Менинг университетим». Видеофильм. 1-қисм.
16.40 «Умрбоқий қўшиқлар». Мусиқий фильм.
17.10 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан: «Ҳуқуқ ва бурч».
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
17.55 ТВ-анонс.
18.00 Наво.
18.15 Футбол плюс.
18.35 Каталог.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 «Давр»-репортаж.
20.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан: »Буюк келажак пойдевори». Видеофильм премьераси. 4-қисм.
20.20 Ёшлик наволари.
20.40, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.45 «Лафз». Телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
21.25 Оҳанграбо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Тунги тароналар.
22.55 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Парвоз орзуси». Бадиий фильм.
00.25-00.30 «Хайрли тун!»

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Ҳуқуқимиз кафолати».
18.10, 19.40, 21.20 «Экспресс» телегазетаси.
18.30 «Афиша».
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус)
19.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.00 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.45 «Мисли гавҳар».
21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача.
21.40 Кинонигоҳ. «Сен менинг қўшиғимсан».
23.10-23.15 Хайрли тун, шаҳрим.

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.20 «Мульттақдим».
9.40 CFI тақдим этади: «ЦИРК».
10.10 «Лаззат».
10.30 «Табиатшунос билан саёҳат».
11.00 «Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси».
11.40 «CFI янгиликлари».
11.50 «Мультсеанс».
12.10 «Т. Полонская билан бирга».
12.30 «Олтин микрофон».
13.30-14.30 «Дўстлик» видеоканали: «Сахий хонадонда», «Ўзбекистон-умумий ўйимиз», «Умид».
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Британия кундалиги».
17.50 «Мюзик-холл».
18.10 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.50 «Ким миллионер бўлишни истайди?»
19.55 «Сўнгги қаҳрамон-2».
21.00 «Время».
21.30 «Нима? Қаерда? Қачон?»
**Тунги канал: «Ҳали кеч эмас...»**
22.50 «Шлягер».
23.05 «Моданинг гўзал дунёси».
23.20 «Хит парад».
23.35 «Яшаш воситаси».
23.50 «Юлдуз билан учрашув».
00.05 «Тунги навбатчилик».
00.20 «Автострада».
00.30 «Ахборот» (рус тилида)
1.05 «Муз zone».
1.20 «Икки ёқлама зарба».
1.35 Киносеанс: «Қаҳрамон». Бадиий фильм.
2.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ЯКШАНБА, 8

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни**
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Ғаройибот».
9.35 «Истиқлол рамзи». Телефильм.
9.45 «Байрам табриги».
9.55 «Бугуннинг одамлари».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 Телевизион миниатюралар театри.
11.50 «Бир байроқ остида».
12.00 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.
13.00 «Бугуннинг одамлари».
13.05 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
14.35 «Конституция - менинг тақдиримда».
14.45 «Спирит - Симорон оти». Мультфильм.
16.00 «Портретга чизгилар».
16.20 «Қалб гавҳари».
16.40 «Байрам табриги».
16.45 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
17.05 «Конституция чет элликлар нигоҳида».
«Болалар сайёраси»:
17.15 1. «Санъат ғунчалари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.10 «Талабалик йилларим».
18.30 «Тўртинчи ҳокимият».
18.45 «Оқ олтин». Телелотерея.
19.15 Бир жуфт қўшиқ.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 Эстрада тароналари.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 Байрам табриги.
21.25 «Келин-куёв». Телешоу.
«Якшанба кинозали»:
22.45 «КиноТеатр».
23.05 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ўғирланмаган келин». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНА

*Кўргазма*

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида таникли мусаввир—академик Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон давлат мукофоти соҳиби Акмал Икромжонов асарларининг «Гўзалликка ошно қалб» номли шахсий кўргазмаси очилди.**

# ГЎЗАЛЛИККА ОШНО ҚАЛБ

Мавзули воқеабанд, кенг мазмун кўламига эга бўлган мураккаб композициялар, инсон сиймосини ҳаққоний акс эттирувчи портретлар, осори-атиқалар, уй-рўзғор, маиший жихозлари ва миллий хусусиятга эга бўлган турли чиройли буюмлар ҳамда сабзавот, меваларни табиий фазовий мухитда ишонарли намоён қилувчи натюрмортларни қарийб 30 йилдан буён яратиб келаётган мўйқалам соҳиби ўзининг 40 дан зиёд энг сара асарларини томошабинлар хукмига ҳавола этди.

Экспозицияда « Чингиз Ахмаров портрети», «Баҳодир Жалолов»,- «Автопортрет», «Хосият»,«Комила», «Қумғонли натюрморт», «Замин таронаси» каби рассом ижодий услубининг хусусиятли томонларини яққол намоён этувчи сержило рангтасвирли асарлар бор. Улар ижодкорнинг қобилияти, махорати, тажрибаси кўлами даражаси нақадар юқори эканлигидан дарак бериб турибди...

Акмал Икромжонов фаолияти кўп қирралидир. У Ўзбекистон Бадиий академияси раисининг ижодий ишлар бўйича муовини сифатида ҳам, педагоглик борасида ҳам самарали иш олиб бормоқда. Ижодий асарларни элга-санъат ихлосмандларига манзур қилишда ҳам етакчилардан бири эканлигини кўргазма очилишида сўзга чиққанлар таъкидлаб ўтдилар...

У етмишинчи йилларнинг ўрталаридан буён Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида шогирдлар етиштириб келаётган устоз мусаввирдир. Устоздан таълим олганларнинг кўпчилиги эндиликда тасвирий санъатнинг турли жанрларида ажойиб асарлар яратиб, ўз устозлари ишончини оқламоқдалар.

Кўргазманинг очилишида иштирок этган Президентнинг давлат маслаҳатчиси ўринбосари Ахмаджон Мелибоев, Олий Мажлиснинг фан, маданият ва спорт ишлари қўмитаси раиси Нарзулла Жўраев, Ўзбекистон халқ рассоми академик Раҳим Ахмедов, Ўзбекистон давлат Санъат музейи директори Насиба Иброҳимова, фалсафа фанлари доктори Тилаб Маҳмудов ва бошқалар мусаввирнинг шахсий кўргазмасининг ижобий томонлари, ундан олган таассуротлари тўғрисида батафсил сўз юритдилар. Акмал Икромжоновга келажак ишларида янада баркамоллик тиладилар.

**Баҳром ТОЖИЕВ,**
**Ўзбекистон бадиий академияси ижодкорлар уюшмасининг аъзоси, рассом.**

Қибрай туманидаги «Бўстон» санаторийси энг қулай ва яхши дам олиш масканларидан биридир. 300 ўринга мўлжалланган сиҳатгоҳда барча шароитлар яратилган. Унда ошхона, ёзги ва қишки клуб, кутубхона, теннис корти мавжуд.

Айниқса, бу ердаги даволаш усуллари барчага маъқул бўлмоқда. Сув билан, табиий даво омиллари, шифобахш лой, физиотерапевтик даволашлар мунтазам қўлланилади.

Айни кунларда маскан жамоасининг режалари катта. Хусусан, бинони қайта таъмирлаш, ер остидан маъданли сув қазиб чиқариш каби ишлар режалаштирилган.

**Суратларда: «Бўстон» санаторийси ҳаётидан лавҳалар.**

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ГЕОГРАФИК АТЛАС

«Ўзбекистон географик атласи» ни яратишга киришилди. Ўзбекистон фанлар академиясининг сейсмология институти саъй-ҳаракатлари билан юзага келаётган бундай йирик картографик тадқиқот маҳсули кўпгина географик ишланмаларини ўз ичига олади.

Янги атлас таркиби 53 та харитадан иборат бўлиб, уларнинг муаллифлик эскизлари тайёрланди. Мамлакатимизнинг экологик минтақаланиши, яйловларига доир ҳариталар ҳам ушбу географик атласдан ўрин олади. Бундан ташқари Ер фонди билан боғлиқ қатор ҳариталар устида иш олиб борилмоқда. Суғориладиган ерларнинг сифати ва қиймати бўйича баҳолаш ҳариталари янгидан тайёрланди.

«Ўзбекистон географик атласи» нинг нашр этилиши республикамиз географиясида муҳим янгилик сифатида баҳоланди.

*Ногиронлар спорти*

# «ЖАСОРАТ — ИРОДА — ҒАЛАБА»

**шиори остида Фарғона вилоят ногирон спортчиларнинг спартакиадаси ўтказилди**

Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили Давлат дастури тўғрисида»ги қарорининг бажарилишни таъминлаш мақсадида вилоят ҳокими шу йил 18 ноябр куни «Жасорат-Ирода-Ғалаба» шиори остида вилоят ногирон спортчилар спартакиадаси ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу қарорда вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда «Орзу» ногиронлар спорт клубининг 2002 йил 27 ноябр куни Фарғона шаҳридаги спорт иншоотларида вилоят ногирон спортчилар спартакиадаси ўтказиш тўғрисидаги таклифлари мақулланганди ва уни юқори савияда тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий ишларни амалга ошириш мақсадида вилоят ҳокимининг ўринбосари Х. Каримов раҳбарлигида ишчи гуруҳи таркиби, спортакиада низоми ва сарф харажатлар сметаси тасдиқланди.

Қарияларни қадрлаш йили ҳамда халқаро ногиронлар кунига бағишланган ана шу спартакиада вилоятдаги ногиронларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш, уларнинг соғлиғини мустахкамлаш ва махоратини ошириш, республика спортакиадасида иштирок этадиган моҳир спортчиларни аниқлаш имконини берди.Ногиронлар спортнинг стол теннниси, футбол, шоҳмот—шашка ва бошқа турлари бўйича ўзаро куч синашдилар.

Ғоят қизиқарли баҳсларга бой бўлган спартакиада якунларига кўра боғдодликлар биринчи, тошлоқликлар иккинчи, Ўзбекистон тумани спортчилари фахрли учинчи ўринни қўлга киритишди.

Вилоят ҳокимлиги, спорт қўмитаси, Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши хомийлигида ўтказилган ушбу спартакиада ғолиблари қимматбаҳо эсдалик совғалари ва ногирон спортчилар ўртасида ўтадиган республика мусобақасига йўлланма билан тақдирланди.

**Мўйдинжон СОБИТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Агроэнтоматологик картограммаларни яратиш борасида мамлакатимизда бой тажрибалар ортти-рилмоқда. Халқ хўжалиги ахамиятига доир бу муҳим илмий-амалий жараён билан Ўзбекистон фанлар академиясининг зоология институти олимлари яқиндан шуғулланишмоқдалар.**

## ТАВСИЯНОМА АНГЛИЯДА ЧОП ЭТИЛАДИ

Уларнинг бу борадаги изланишлари натижасида Марказий Осиё минтақаси учун махсус тавсиянома ҳам юзага келди. Ҳайвонларни касалликлардан сақлашнинг ветеринария-санитария тадбирлари мажмуасини ишлаб чиқиш билан боғлиқ мазкур тадқиқот амалиётига тадбиқ этила бошланди.

Илмий муассасанинг шу изланиши инглиз мутахассислари эътиборини ҳам ўзига тортди. Тавсиянома каби Биосенке Англия бош илмий марказида инглиз тилига таржима қилинди. Уни чоп этишни ҳам марказ ўз зиммасига олди.

## МУСТАҲКАМ НЕГИЗ

*Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетига ўн йил бўлди. Мустақиллик йилларида унинг ўқув-моддий негизи ҳар тамонлама мустаҳкамланиб, мамлакатимиздаги йирик илм фан марказига айланди.*

*Бу ерда жаҳон тилларини ўқитишнинг илғор тажрибалари юзага келди. Бу эса таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, талабаларга пухта билим бериш учун кенг имкониятлар яратди.*

*Университетнинг халқаро алоқалари ҳам кенгайиб бормоқда. Шу ҳамкорлик жараёнида йирик дарслик, қўлланма, монографик асарлар юзага келди. Инглиз тилида, ёзилган дарслик босмага берилди. Ўзбекча-Инглизча, Ўзбекча-немисча ва бошқа луғатлар ҳам оммалашди.*

*Испаниядаги Гранада университети билан биргаликда тузилган Испанча Ўзбекча луғат эса шу яқин орда чоп этилади.*

*Интернет-синф ташкил этилиши талаба-ёшларда компьютер саводхонлигини ошириш учун муҳим таълимий восита бўлди. Ҳозир қатор ўқув адабиётлари босмага тайёрланмоқда.*

**Акбар АЛИЕВ.**

**Республикамиз шоҳмотчилари орасида тарқалган айрим эски ўйин — шатранж қоидалари маданиятини кенг ёйишда Азмиддин Хўжаев биринчи ташаббускорлардан эди.**

# ЎЗБЕК ШОҲМОТ ТАРИХИ

Азмиддин Хўжаев 1892 йилда Тошкентнинг Шайҳонтоҳур даҳасида туғилди: шоҳмотга бўлган ҳаваси учун кўп қаршиликларга учради. Лекин Азмиддин ундан воз кечишни ҳаёлига ҳам келтирмаган, аксинча, дўстларида шоҳмотга иштиёқ ўйғотган. Янги ўйин қоидаларига ўтилгандан кейин у эски шаҳарда шоҳмот тўгаракларига раҳбарлик қилди ва шогирдлар тайёрлай бошлади. Айни вақтда ўз маҳоратини ҳам тинмай оширa бориб, 1929 йили биринчи даражали шоҳмотчи бўлди. 1930 йилда Самарқандда ўтказилган республика биринчилигида қатнашиб, Ўзбекистоннинг илк чемпиони, деган унвонга эришди. Ўттизинчи йилларда Тошкентда очилган ўқувчилар саройида шоҳмот тўгаракларини ташкил этди.

Кейинчалик Тошкент ва республика чемпионлари даражасига кўтарилган, Нуфузли мусобақаларда ўзларини кўрсатган Ҳ.Абдуллаев, А.Айрапетов, В.Ясович, Р.Раҳимов, У.Элбеков ва бошқалар Азмиддин Хўжаевнинг шогирдларидандир. Ҳурматли отахон шоҳмотчиларимиздан спорт усталигига номзодлар З.Хўжаев, С.Ҳожибеков, Н.Ғаниева ва бошқалар ҳам Азмиддин Хўжаевни ўз устозлари, деб биладилар. 1934 йили москвалик мастер В.Панов унинг маҳорати ҳақида бундай деган эди: «А.Хўжаев ўзига хос Ўзбекистон миллий шоҳмот усталарининг устози ҳамда мураббийсидир».

Ўзбекистоннинг VI чемпионати 1934 йили Тошкентда ўтказилиб, унда атоқли шоҳмот усталари москвалик В.Папов ва А.Верлинский (1929 йилги мамлакат чемпиони) конкурсидан ташқари қатнашган эдилар. В.Папов ўша мусобақа якунлари ҳақида шундай деган эди: «...Азмиддин Хўжаев ўзбеклар орасида энг тажрибали, шоҳмот назариясини дурустгина эгаллаган.... шоҳмотчидир. У Ўзбекистон Чигорини — миллий шоҳмотчи кадрларнинг устозидир.»

Рус шоҳмот мактабининг асосчиларидан бири Михаил Чигорин туғилган кунинг 125 йиллигини мамлакатимиз шоҳмотчилари яқинда кенг нишонладилар.

Бўлажак шоҳмот устаси ота-онасидан айрилиб, аммасининг қарамоғида қолди. Етимлар мактабига жойлаштирилиб, шу ерда шоҳмот ўйнашни ўрганди. Оз вақт ичида Чигорин Россиянинг энг атоқли шоҳмотчиси Э.Шифферсдан ҳам ўтиб кетиб, халқаро мусобақаларда биринчи марта Россия номидан вакил сифатида қатнашадиган бўлди.

Чигорингача Россияда Петров, Яниш, ака-ука Урусовлар ва Шумов каби атоқли шоҳмотчилар ҳам бор эди. Бироқ, Чигорин рус шоҳмот ҳаётида алоҳида ўрин тутади. У зўр истеъдод эгаси ва биринчи рус профессионал шоҳмот устаси эди. 1883 йили Лондонда ўтказилган турнирда Чигорин жаҳоннинг бўлғуси илк чепиони В.Стейницни икки марта ютади. 1889 йили Кубада бу икки шоҳмотчи ўртасида жаҳон чемпионлиги учун қизиқ матч ўйналади. Россия вакили матчни бой берса-да, Стейницнинг аввалги рақиблари Блекберн ва Цукерторга нисбатан яхшироқ натижага эришади. 1890 йили у Стейниц билан телеграф орқали матч бошлайди. Жиддий характерга эга бўлган бу баҳс Чигориннинг зафари билан тугайди. 1892 йили Кубада жаҳон чемпионлиги учун улар ўртасида иккинчи матч ўйналади. Стейниц бу матчни аранг ютади. 1895 йилда у Англияда ўтказилган Гастингс турнирида қатнашиб, иккинчи ўринни олади. Бунда янги жаҳон чемпиони Э.Ласкерни ҳам турнир ғолиби америкалик Г.Пильсберни ҳам, шахсий учрашувда енгиб чиқади. Бироқ, Чигоринга жаҳон чемпионлиги учун курашиш тобора оғирлашиб борди: у Ласкердан 18 ёш катта эди. Чигорин Россияда шоҳмот ўйинини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. У кўпроқ мусобақалар ўтказишга, жойларда шоҳмот клублари очишга ҳаракат қилди ва рус шоҳмотчилари ўртасида биринчи марта ўйинларни ҳар томонлама таҳлил қила олди.

М.Чигорин «Шахматный листок» журналини нашр этишга муваффақ бўлди. Бу журналда у бошқа мақолалар қаторида ўзининг шоҳмот ўйинига доир ажойиб таҳлилларини эълон қилиб турди. Айрим газета ва журналларда махсус шоҳмот бўлимларини ҳам очди. М.Чигорин деярли бутун ҳаётини шоҳмотнинг равнақи учун сарфлади, уни умумхалқ ўйинига айлантириш, бунга «эрмак» тариқасида эмас, балки муҳаббат билан қарашни тарғиб этди. У жуда кўп дебютларни ишлаб чиқди, такомиллаштирди. Бу дебютлар ҳозиргача унинг номи билан аталади. Улуғ рус шоҳмотчиси даврдан бир неча бор ўзиб кетди. У ўтган аср охирларида тузилган «Тошкент шоҳмот ҳаваскорлари жамияти»нинг фахрий аъзоси эди.

Илк чемпионимиз, жонкуяр устоз ва мутасаддимиз Азмиддин Хўжаев ана шундай улкан сиймо — унинг сиймоси М.Чигоринга қиёсланганидан беҳад хурсандмиз.





**Анвар ИНОҚОВ,**
**шоҳмот бўйича спорт усталигига номзод.**

**(Давоми бор.)**

**Маҳоратингизни синаб кўринг?**

Иккала диаграммада ҳам оқлар бошлаб икки юришда мот қилади.

## ЁШЛАР ДЕНГИЗГА ЧИҚДИ

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот марказидан ЎзА мухбирига хабар беришларича, шу кунларда Республика Олимпия захиралари коллежида юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида республика кубоги турнири ўтказилмоқда.

Беллашувда 1986-1987 йилда туғилган ёшлар қатнашмоқда.

Кеча Тошкент денгизида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича мамлакатимиз биринчилиги бошланди.

**(ЎзА).**

*Футбол*

**Осиё чемпионлари лигаси баҳсларида иштирок этаётган Тошкентнинг «Пахтакор» ҳамда Фарғонанинг «Нефтчи» жамоалари жавоб учрашувларини ўтказишди.**

# ОМАД ПАХТАКОРЧИЛАРДА ЭДИ

Аввало «Нефтчи» ва «Истиқлол» жамоалари ўйини ҳақида. Маълумки фарғоналиклар Эрон пойтахтида бўлиб ўтган биринчи учрашувда 0:1 ҳисобида мағлубиятга учрашганди. Кичик ҳисобдаги мағлубият «Нефтчи» футболчилари учун бу баҳсда ғолиб чиқишига яхшигина имкон эди. Бироқ, футбол — шундай мўъжизакор ўйинки, тахминлар ҳар доим ҳам тўғри чиқавермайди. Тўғри «Нефтчи» футболчилари бу учрашувда ғалаба қозонди. Аммо тўплар нисбатига кўра «Истиқлол» футболчилари гуруҳ баҳсларига йўл олди. Фарғона шаҳри ўйингоҳига йиғилган мухлислар Эронлик Акбарий томонидан киритилган тўпни ҳали кўп вақт алам билан эслаб юрсалар керак. Чунки айнан мана шу гол яъни рақиблар майдонида киритилган тўп «Истиқлол»ни кейинги баҳсларга олиб чиқди.Шундан кейин С.Ни ва А.Бердиевлар томонидан жавоб тўпи киритилди. Бироқ, бошқа тўп киритишга фарғоналикларга куч ҳам вақт ҳам етишмади.

«Пахтакор» эса сафарда БААнинг Дубай шаҳрида «Ал-Аҳли» жамоаси меҳмони бўлди. Шуни айтиш жоизки, жавоб учрашувларидан олдин, футбол мутахассислари «Пахтакор»дан кўра «Нефтчи»нинг имкониятларини юқори қўяётганди. Лекин, пахтакорчилар ғалабага бўлган иродасини намоён этиб, нималарга қодирлигини кўрсатди. Айниқса, ўзбек футболининг юлдузи Миржалол Қосимов учрашув тугашига 20 дақиқалар қолганда ўйиндаги ягона тўпни киритиб «Пахтакор»га сув ва ҳаводек зарур бўлган ғалабани келтирди. «Ал-Аҳли» таркибини эронлик яна бир истеъдодли футболчи Жавод Казимён билан тўлдириш ҳам ёрдам бермади. «Ал-Аҳли» футболчилари қанчалик ҳаракат қилмасин, омад шу куни пахтакорчиларда эди. Энди «Пахтакор» гуруҳ баҳсларида иштирок этади. Ўйинлар келаси йилнинг 9-15 март кунлари бўлиб ўтади. Биз бу ўйинларда «Пахтакор»ни ҳеч қачон омад тарк этмаслигини тилардик.

Футболчиларимиз баҳсларда «Д» гуруҳда иштирок этади. Улар Эроннинг «Пирузи», Ироқнинг «Ал-Талаба Туркманистоннинг «Ниса» жамоалари билан куч синашишига тўғри келади.

**А.ЮНУСОВ.**

Тошкент йўллардан фойдаланиш бошқармасининг тош майдалаш ва саралаш бўлимининг 2588065391 сонли ердан фойдаланиш кадастри йўқолганлиги сабабли **бекор қилади**.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 1019.